

## ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИДА БЛАНКЕТ ДИСПОЗИЦИЯНИНГ АҲАМИЯТИ

Пулатов Бекзод Адилбаевич  
Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
Тошкент вилоятидаги Халқ қабулхонаси бош мутахассиси

**Аннотация:** Мақолада жиноят ҳуқуқи нормасининг тушунчаси кўриб чиқилиб, унинг моҳияти, мазмуни, тузилиши ва манбалари аниқланади; жиноят-ҳуқуқий норманинг бланкет диспозицияси таҳлил қилинади, унинг тушунчаси ва асосий хусусиятлари (жиҳатлари) ишлаб чиқилади: техник-юримдик, лингвистик ва норматив-ҳуқуқий; бланкет диспозицияли жиноят ҳуқуқи нормаларини қўллашнинг махсус қоидалари шакллантирилган.

**Калит сўзлар:** жиноят ҳуқуқи нормаси, жиноят-ҳуқуқий норманинг бланкет диспозицияси; жиноий жавобгарлик тўғрисидаги қонуннинг бланкет диспозициясида жиноят ҳуқуқи нормаларини қўллаш қоидалари.

## ЗНАЧЕНИЕ БЛАНКЕТНОЙ ДИСПОЗИЦИИ В УГОЛОВНОМ ПРАВЕ

**Аннотация:** В статье рассматривается понятие нормы уголовного права, выясняется ее сущность, содержание, структура, источники; анализируется бланкетная диспозиция уголовно-правовой нормы, разрабатываются ее понятие и основные черты (аспекты): технико-юридические, лингвистические и нормативно-правовые; сформулированы специальные правила применения норм уголовного права с бланкетной диспозицией.

**Ключевые слова:** норма уголовного права, бланкетная диспозиция уголовно-правовой нормы; правила применения норм уголовного права при бланкетной диспозиции закона об уголовной ответственности.

Жиноят қонунчилигининг кўп йиллик ривожланиш тарихи ва уни қўллаш амалиёти жиноий қилмишларни аниқ ва тўлиқ белгилайдиган, айрим жиноят таркибларининг аломатларига қисқа ва шу билан бирга батафсил

кўрсатмалар берадиган жиноят қонунларини яратиш заруратини тақозо этади. Бироқ айрим жиноий-ҳуқуқий тақиқларни шакллантиришда жиноий қилмишнинг бир қисми ҳисобланган бошқа ҳуқуқ соҳалари нормаларининг бузилишини кўрсатиш зарурияти пайдо бўлади. Бундай ҳолларда қонун чиқарувчи жиноят-ҳуқуқий нормани баён этишнинг энг мураккаб шаклларида бири бўлган бланкет нормалардан фойдаланишга мажбур бўлади. Бланкет нормаларнинг ўзига хослиги шундаки, жиноят таркиби аломатларининг тавсифи нафақат жиноят қонунида, балки ҳуқуқнинг бошқа тармоқларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам мавжуд бўлиб, бу уларни қўллашда муайян қийинчиликлар ва ўзига хосликларни юзага келтиради. Тадқиқотчи сўровнома ўтказган ички ишлар органлари ходимларининг 94 фоизи ўз амалий фаолиятида бланкет нормаларини қўллаш билан боғлиқ қийинчиликларга дуч келганликларини таъкидлашган.

Шу билан бирга, тадқиқотлар бланкет нормаларининг мавжудлиги муқаррар эканлигини кўрсатди. Бу ҳуқуқнинг барча соҳалари ва нормалари ўзаро боғлиқ бўлган тизимли хусусияти ҳамда ҳуқуқий кўрсатмаларнинг аниқлик ва умумийлик ўртасидаги мақбул нисбатни топишни талаб қилувчи қонунчилик техникаси билан асосланади. Бланкет нормаларнинг мавжудлиги ва кўпайиши ижтимоий ташкилотнинг янада мураккаблашуви, иқтисодий фаолиятнинг янги турларининг пайдо бўлиши, техник воситалар ва технологияларнинг ривожланиши, замонавий фаннинг ютуқлари билан боғлиқдир.

Ички ишлар органларининг терговчилари ва суриштирувчилари томонидан амалга ошириладиган жиноятларни Жиноят кодексининг бланкет нормаларини ўз ичига олган моддаларига мувофиқ тўғри квалификация қилиш кўп жиҳатдан уларнинг бланкет нормаларининг моҳиятини тушунишига ва уларни тўғри талқин қилишига боғлиқ. Бироқ ҳозирга қадар жиноят ҳуқуқи фанида бланкет нормасининг моҳиятини очиқ берадиган ягона тушунча ишлаб чиқилмаган. Бунинг натижасида ички ишлар органлари ходимлари ўртасида ўтказилган сўровда иштирок этганларнинг 88,2 фоизи бланкет нормалари ҳақида фақат умумий тасаввурга эга эканликларини айтишган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг бланкет нормаларида нафақат қонунларга, балки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳам ҳаволалар мавжуд. Бу қонунларнинг айрим нормалари яна бошқа норматив-

хуқуқий ҳужжатлар билан аниқланади, батафсил тушунтирилади ва изоҳланади. Шу сабабли, жиноят қонуни ва бошқа ҳуқуқ соҳаларидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзаро нисбати масаласи, шунингдек, бошқа қонунчилик соҳалари манбалари жиноят ҳуқуқи манбалари бўлиши мумкинлиги ҳақидаги фикр ҳанузгача баҳс-мунозарали бўлиб қолмоқда.

Ҳуқуқни қўлловчи шахс бланкет жиноят-ҳуқуқий норманинг мазмунини тушуниш учун мурожаат қиладиган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар жуда беқарор. Бу эса унга муайян мажбуриятларни юклайди: тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчаларни билиш, ижтимоий хавфли қилмиш содир этилган пайтда айнан қайси норма ва қайси таҳрирда амал қилганини аниқлаш. Жиноят кодексининг бланкет нормаларини ўз ичига олган моддаларига мувофиқ жиноятларни квалификация қилишда муайян қийинчиликлар мавжуд. Бу қийинчиликлар бланкет белгиларни талқин қилиш ва жиноят қонунининг бланкет нормаларини қўллаш бўйича барқарор суд-тергов амалиётининг йўқлиги билан боғлиқ.

Шундай қилиб, ҳозирги босқичда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан бланкет нормаларининг моҳиятини англаш ва уларни қўллаш хусусиятларини аниқлаш билан боғлиқ масалалар комплекс кўп қиррали таҳлил қилиш заруратини келтириб чиқармоқда. Бу эса мазкур мавзусининг долзарблигини белгилаб беради. Диспозиция ўзи нима? Диспозиция — ҳуқуқ нормасини таркибий қисми ҳисоблани бунда гипотезада кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлганида ҳуқуқ субъектлари риоя этишлари лозим ҳисобланган хатти-ҳаракат қоидаси<sup>1</sup>. Диспозитсия сўзи лотин тилидан олинган бўлиб, жойлашиш деган маънони англатади. Ўз навбатида диспозиция тузилишига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

1) Оддий диспозицияда жиноят таркибининг белгилари кўрсатилмай, фақат жиноятнинг номигина ёзилади. Масалан, 97-модданинг 1- қисми, 102-модданинг 1-қисми ва ҳоказолар.

2) *Тавсифловчи диспозиция* – ҳуқуқ субъектларининг субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятлари ҳамда хатти-ҳаракатларининг тўлиқ баёнини ифода

<sup>1</sup>Пикуров Н.И. Бланкет белгиларли жиноятларни квалификация қилиш: Монография. - М.: Россия одил судлов академияси, 2009. - 31-б.



этилади. Масалан, Жиноят кодексининг 169-моддаси “Ўғрилик”, яъни ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш (қонунда, гарчанд бу мантиқан ўринли бўлмасда, талон-торож қилиш деб ёзилган). Бунда норма диспозицияси ҳаммага тушунарли бўлиши учун маълум бир маънода, қисқа шаклда изоҳ берилади.

3) *Бланкет диспозиция* - ҳуқуқ нормасида кўрсатилган ҳуқуқ субъектларининг субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятларининг мазмунини аниқлаш учун бошқа ҳужжатларнинг нормаларида белгиланган тегишли қоидаларга ҳавола қилади.

4) *Ҳавола этувчи диспозиция* - деганда қўлланаётган ҳуқуқ нормаси мансуб бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг бошқа нормасига (масалан, Жиноят кодексининг 110-моддаси – “Қийнаш”) ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатга мурожаат этишни назарда тутувчи диспозиция ҳавола этувчи диспозиция сифатида тушунилади. Умуман олганда Диспозиция деб жиноятнинг аниқ белгилари кўрсатилган қисмига айтилади. ЖК Махсус қисмининг асосий кўпчилик моддалари тасвирлов диспозиция шаклида қабул қилинган. Ҳаволаки диспозицияда муайян жиноятнинг белгилари кўрсатилмай, бу жиноятнинг белгиларини кўрсатиш учун бошқа бир жиноятнинг белгиларига ҳавола қилинади. Масалан, ЖК нинг 107-моддасида зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасдан баданга оғир шикаст етказиш, — дейилади. Демак, зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб баданга оғир шикаст етказилганлигини аниқлаш учун ЖКнинг 104-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган белгиларга мурожаат қилинади. Бошқача қилиб айтганда, қилмишни ЖК нинг 107-моддаси билан квалификация қилиш учун жиноят зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб қилинган бўлиши ва 104-модданинг 1-қисмида назарда тутилган белгилардан бири бўлиши керак. ЖК Махсус қисмининг моддалари бир неча қисмдан иборат бўлса, иккинчи, учинчи ва ҳоказо қисмлари ҳаволаки диспозиция шаклида бўлиб, жиноятнинг номи ҳам, белгилари ҳам кўрсатилмай, шу модданинг 1-қисмидаги таъриф ва белгиларига ҳавола қилинади. Бланкет диспозицияда жиноят таърифланмай ёки унинг белгилари кўрсатилмай бошқа қонун ёки норматив акт бузганлиги кўрсатилади. Бланкет диспозицияли модда билан айбдорнинг қилмишини квалификация қилиш учун бошқа қонун ёки норматив акт бузилган ва ўша қонун ёки норматив акт бузилганлиги

натijasida ЖК нинг бланкет диспозицияли моддасида назарда тутилган оқибатлар юз берган бўлиши керак. ЖКнинг кўпгина моддалари бланкет диспозиция шаклида тузилган. Хўжалик фаолияти соҳасидаги, экология соҳасидаги, жамоат хавфсизлиги соҳасидаги, транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятларнинг асосий кўпчилиги бланкет диспозиция шаклида тузилган. Масалан, қилмишни ЖК нинг 257-моддаси билан квалификация қилиш учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари бузилган ва бунинг оқибатида шу моддада назарда тутилган оқибат юз берган бўлиши керак, ва ҳоказолар.

Ўрганишлар натijasида қуйидаги хулосаларга келинди: (шу жумладан, ретроспектив таҳлил) шуни кўрсатадики, амалдаги жиноят қонунчилигидаги бланкет нормаларнинг мавжудлиги Ўзбекистон жиноят қонунчилигини қўллаш ва ривожлантириш жараёнининг объектив зарурияти билан боғлиқ. Бу, хусусан, ҳимоя қилувчи жиноят-ҳуқуқий нормаларнинг бошқа қонунчилик соҳаларидаги тартибга солувчи нормалар билан функционал алоқадорлигида намоён бўлади. Жиноят қонунчилигида бланкет нормаларнинг йўқлиги эса жиноят қонуни матнида ҳуқуқнинг бошқа соҳаларига оид нормаларни такрорлаш заруриятини келтириб чиқаради.

Бланкет жиноят-ҳуқуқий нормаларни қўллашдаги мавжуд муаммоларни бартараф этишнинг энг самарали усули сифатида ички ишлар органлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш тан олинishi лозим, жиноят қонуни нормаларининг тузилишини ўзгартириш эмас.

Жиноят қонунчилигининг бланкет нормаси деганда "жиноят қонунининг бир ёки бир нечта таркибий элементларида бошқа ҳуқуқ соҳаларининг қонунлари ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мурожаат қилмасдан тушуниб бўлмайдиган белгилар (белги) мавжуд бўлган нормаси" тушунилиши таклиф этилади. Бланкет нормалар уларни муайян гуруҳларга таснифлаш имконини берадиган кўплаб турли хил белгилар билан тавсифланади. Адабиётларда мавжуд бўлган бланкет нормалар тизимининг таснифини қуйидаги асослар билан тўлдириш таклиф этилади:

- бошқа ҳуқуқ тармоғининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан алоқаси бўйича: 1) у ёки бу қоидалар, қонунлар, қонунчилик бузилганлигини кўрсатувчи белгиларга эга бўлган нормалар; 2) қилмишнинг қонунга



хилофлигини кўрсатувчи белгиларга эга бўлган нормалар; 3) мазмуни бошқа ҳуқуқ тармоқларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида очиб бериладиган атамаларни ўз ичига олган нормалар;

- бланкет норма боғлиқ бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг соҳавий мансублиги бўйича: маъмурий, фуқаролик, божхона ва бошқа қонун ҳужжатларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан боғлиқ нормалар;

- ифода шаклига кўра: 1) "очиқ" бланкетли нормалар; 2) "яширин" бланкетли нормалар; 3) "аралаш" бланкетли нормалар;

- жинойт таркиби элементларининг куйидаги таркибий қисмларининг бланкет тавсифи бўйича: 1) объект; 2) предмет; 3) жабрланувчининг хулқ-атвори; 4) жабрланувчининг белгилари; 5) субъектнинг хулқ-атвори (қилмиши); 6) жинойт содир этилган жой; 7) қуроллар (воситалар); 8) усул; 9) жинойт содир этилган вақт; 10) оқибатлар; 11) махсус субъектнинг белгилари;

- норма тузилишида бланкет белгиларининг жойлашуви бўйича: 1) гипотезада белгиларни ўз ичига олган; 2) диспозицияда; 3) санкцияда;

- индикатор сўзларнинг мавжудлигига кўра: 1) индикатор сўзларга эга бўлган нормалар; 2) индикатор сўзларга эга бўлмаган нормалар.

Жинойт қонунчилигининг бланкет нормаларини талқин қилишнинг моҳияти, бошқа ҳар қандай ҳуқуқий нормалар сингари, улардаги ҳуқуқий кўрсатмаларни (яъни, ушбу нормаларнинг қонунчилик маъносини) очиб бериш ва тушунтиришдан иборат бўлиб, бу уларнинг тўғри қўлланилишини таъминлайди. Ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш ҳуқуқни қўллаш жараёнининг зарурий шarti ва ажралмас қисмидир. Бланкет нормаларини талқин қилишнинг асосий усули сифатида тизимли усулни тан олиш лозим. Шундай қилиб, ҳуқуқни қўллаш жараёнида жинойт қонунининг ўрганилган нормаларида мавжуд бўлган тушунчалар ва атамаларни (бланкет белгиларини) жинойт-ҳуқуқий нормаларни белгилаб берувчи тартибга солувчи қонунчилик соҳаларининг тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида қандай маънода қўлланилса, айнан ўша маънода талқин қилиш зарур.

Ички ишлар органларининг ҳуқуқни қўллаш амалиётида Ўзбекистон Республикаси Жинойт кодексининг бланкет нормаларини ўз ичига олган моддалари бўйича жинойтларни квалификация қилишда йўл қўйиладиган хатоларнинг кўпчилиги ушбу нормаларни нотўғри талқин қилиш билан боғлиқ. Бунинг асосий сабаби шундаки, бир қатор нормаларда тегишли

субъектларнинг аниқ ҳаракатларида аниқлаш қийин бўлган белгилар назарда тутилади. Шу ўринда қонун чиқарувчи томонидан бланкет-баҳоловчи тоифага киритилган белгилардан кенг фойдаланилишига ҳам эътибор қаратиш лозим. Бундай белгиларнинг мавжудлиги кўриб чиқиладиган нормаларни ҳуқуқни қўллаш амалиётида қўлланиши қийин бўлган қоидаларга айлантиради.

Нормаларни қўллаш жараёнида йўл қўйиладиган хатолар нафақат уларни тузиш, талқин қилиш, замон ва маконда амал қилиш хусусиятлари билан, балки айрим ички ишлар органлари ходимларининг етарли даражада касбий тайёргарликка эга эмаслиги билан ҳам боғлиқ. Жиноятчиликка қарши курашиш чегаралари нафақат объектив, балки субъектив омиллар билан ҳам белгиланади. Қўлланиш нуқтаи назаридан жиноят қонуни маълум бир шахслар доирасига мўлжалланган. Бу шахсларнинг ҳуқуқий билимларидан қандай фойдаланишлари, типик ҳуқуқий вазиятларни баҳолаш, тўғри қарорлар қабул қилиш ва қонуний ҳаракатларни амалга ошириш кўникмалари ҳамда потенциал имкониятларига, пировард натижада, ўрганиладиган нормаларни қўллашнинг қонунийлиги ва самарадорлиги боғлиқ бўлади.

Ички ишлар органларининг фаолиятида бланкет жиноят-ҳуқуқий нормаларини қўллаш сифатини ошириш учта асосий йўналишга **эътибор беришлари** лозим:

- жиноят қонунчилигининг айрим белгиларини шарҳлаш қийинлиги туфайли қўлланилиши мураккаб бўлган бланкет нормаларини жиноят-ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштириш;

- бланкет жиноят-ҳуқуқий нормаларни қўллаш амалиётини тизимли равишда умумлаштириш ва бу борада олий суд органларининг зарур шарҳларини ҳамда Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги Тергов кўмитасининг услубий тавсияларини ишлаб чиқиш;

- Ўзбекистон Республикаси ИИВ тизимидаги олий ўқув юртлари учун жиноят ҳуқуқи бўйича мавжуд намунавий дастурларга "Жиноят қонунининг бланкет нормаларини квалификация қилиш хусусиятлари" мавзусини киритиш орқали ички ишлар органлари ходимларининг тайёргарлик даражасини ошириш.



### Фойдаланилган адабиётлар рўхати

1. Пикуров Н.И. Бланкет белгиларли жиноятларни квалификация қилиш: Монография. - М.: Россия одил судлов академияси, 2009. - 31-б.
2. Михайлова И.А. Жиноят қонунидаги бланкет нормалар ва уларни ички ишлар органлари томонидан қўлланилиши: - М.: Российская ю.ф.н. диссертацияси автореферати. 2009. 7-б.
3. Пшипий Р.М. РФ ЖК 22-боби моддалари нормаларида диспозициялар бланкетлиги характери // Журнал
4. Пикуров, Н. И. Квалификация преступлений с бланкетными признаками состава / Н. И. Пикуров. — М. : Российская академия правосудия, 2009. — 288 с. Вернуться к статье 2. Люблинский, П. И. Техника, толкование и казуистика Уголовного кодекса / П. И. Люблинский ; под ред. и с предисл. В. А. Томсинова. — М. : Зерцало, 2004. — 248 с. Вернуться к статье 3. Черданцев, А. Ф. Понятие технико-юридических норм и их роль в формировании общественных отношений / А. Ф. Черданцев // Советское государство и право. — 1964. — № 7. — С. 134–138.
5. Лазарев В.В. , Липень С.В. , Саидов А.Х. Теория государства и права : Учебник . Под ред . Абдурахманова К.Х. М .: Рос . экон . акад . , 2008. - 620 с .
6. Нажимов М.К. , Сайдуллаев Ш.А. Қонунчилик техникаси . Ўқув қўлланма . Қайта ишланган ва тўлдирилган 2 - нашр . -Т .: ТДЮИ , 2009. -172 б . ,
7. Odilqoriev X. Davlat va huquq nazariyasi . Darslik . - Toshkent : Adolat , 2018. - 528 b .
8. Одилқориев Х.Т. , Тультеев И.Т. ва бошқ . Давлат ва ҳуқуқ назарияси : Дарслик / Х.Т.Одилқориев таҳрири остида . - Т .: Sharq , 2009. - 592 б

Research Science and  
Innovation House

